

# Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

## I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

### 1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги.

### 2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электротехника саноатини тубдан ислоҳ қилиш, ҳудудларда ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

### 3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 27 майдаги 02-1664-сон топшириғи.

### 4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Электротехника саноатини тубдан ислоҳ қилиш, ҳудудларда ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш тўғрисида.

## II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

### 5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига аъзо бўлган электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар;

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, “Асака” АТБ, “Саноатқурилишбанк” АТБ.

### 6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2021-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари 1-иловага мувофиқ;

2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудларида электротехника саноати тармоғида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Электротехника саноатини республика ҳудудларида ривожлантириш мақсадида бириктирилган масъуллар рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сон қарори билан тасдиқланган Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳига мазкур Қарорнинг 2-иловасида келтирилган лойиҳалар рўйхатига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ваколати берилсин деб кўрсатилган.

**6.2. Қарор лойиҳасининг 2-банди биринчи хатбошида** электроника ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига **аззо корхоналарга** бир қанча имтиёз ва преференциялар берилиши кўрсатилган.

Шунингдек, 2-банди тўққизинчи хатбошида электротехника маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошириш мақсадида “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси қошида ташкил этилаётган “Замонавий синов лаборатория ва сертификатлаштириш маркази”ни (кейинги ўринларда - Синов лабораторияси) ташкил этишни молиялаштириш учун **35,0 млрд сўм миқдордаги маблағлар ажратилишини** таъминласин. Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Экспортни рағбатлантириш агентлигига давлат бюджетидан 2021 йилда ажратилиши назарда тутилсин деб кўрсатилган.

**6.3. Қарор лойиҳасининг 3-бандида** Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси уч ой муддатда молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда электротехника соҳасида тадқиқот, тажриба-синов, конструкторлик ва лойиҳалаш R&D марказини (кейинги ўринларда - Марказ) ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши кўрсатилган.

Бунда, ташкил этиладиган Марказ қуйидаги йўналишларда фаолият юритиши тавсия этилсин:

электроника, робототехника, технологик ускуналар ва электротехниканинг бошқа маҳсулотлари, жумладан бутловчи қисмларни янги намуналарини яратиш бўйича мавжуд муаммолар ечимига қаратилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини танловлар асосида шакллантириш ва амалга ошириш;

республиканинг электротехника соҳасини ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва изланишлар олиб бориш;

электротехника саноати корхоналарининг буюртмалари асосида маҳсулотнинг янги намуналарини, жумладан юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулот турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;

электротехника соҳасида Ўзбекистон ва жаҳон бозорларининг маркетинг таҳлилларини олиб бориш.

Марказга мазкур Қарорнинг 15-бандида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилсин.

**6.4. Қарор лойиҳасининг 6-бандида** Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси томонидан электротехника ҳамда электроника йўналишидаги

лойиҳаларнинг устав капиталини 50 фоизгача молиялаштирилишига рухсат берилиши кўрсатилган.

#### **6.5. Қарор лойиҳасининг 7-бандида:**

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, вилоят ҳокимликларининг Андижон, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларида электротехника йўналишида “**Электротехника-Технопарк**”ларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Андижон вилоятида “Электротехника-Технопарки” Олтинқўл туманидаги 100 гектар майдонда ташкил этилаётган “Саноат ХАБ” ҳудудидаги **2 гектар ер майдонида жойлаштирилишига розилик берилсин.**

Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда “Электротехника-Технопарк”ларини ташкил этиш учун вилоят марказидан барча коммуникация тизимлари мавжуд бўлган ҳудудлардан кейинчалик кенгайтириш имкониятини инобатга олган ҳолда, зарур ер майдони ажратилишини таъминласин.

Андижон ва Фарғона вилоятларига “**Асака**” АТБ, Хоразм ва Тошкент вилоятларига “**Саноатқурилишбанк**” АТБ бириктирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**бириктирилган тижорат банклари** зиммасига вилоят ҳокимликларидан ажратилган ер майдонларига “Электротехника-Технопарк”ларини намунавий лойиҳа ҳужжатлари асосида ишлаб чиқариш бино-иншоотларини **барча коммуникацияларга уланган ҳолда “тайёр ҳолда топшириш” шартида қурилишини ташкил этади;**

**бириктирилган тижорат банклари** томонидан “Электротехника-Технопарк”ларини қуриш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни 30 фоиз миқдорини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан **қоплаб берилади;**

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси истиқболли лойиҳа таклифларини ишлаб чиқади ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш ишларини амалга оширади;

бино-иншоотлар лойиҳа ташаббускорларига кейинчалик тасарруфига ўтказиш шarti билан **7 йил муддатга (1 йил имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда) йиллик ставкаси 18 фоиздан ошмаган миқдорда кредитга тақдим этилиши;**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тижорат банклари томонидан юқорида келтирилган кредит бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1,3 бараваридан ошмайдиган фоизли ставка билан қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлган, бироқ 7 фоизли пунктдан ортиқ бўлмаган қисми бўйича миллий валютада фоизли харажатларни қоплаш учун **компенсация тақдим этилади деб кўрсатилган.**

**6.6. Қарор лойиҳасининг 8-бандида** Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда республикада қўшилган қийматли электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналарнинг ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш мақсадида уларга чегарадош ҳудудлардан **бино-иншоот, ер майдонларини 1 сўм қийматида ажратиш** механизмини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиши белгиланмоқда.

**6.7. Қарор лойиҳасининг 9-бандида** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудларида электротехника

йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар қишлоқ хўжалиги тоифасига кирувчи ер майдонларини саноат мақсади учун мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказишда электротехника саноати корхоналарини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликларини қоплашдан озод қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланмоқда.

**6.8. Қарор лойиҳасининг 15-бандида “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига аъзо корхоналар, соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда электротехника йўналишидаги Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик марказларига 2024 йилнинг 1 январига қадар, истисно тариқасида, қуйидаги имтиёз ва преференциялар берилиши белгиланган.**

а) фойда ва мол-мулк солиғидан 50 фоиз (50 фоиз ҳам киради) тўлашдан озод этилади. Бунда, белгиланган солиқлардан бўшаган маблағлар қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик марказларини ташкил этиш учун жиҳозлаш, дастурий таъминотлар билан таъминлаш, жорий фаолият юритиш, илмий ишланмаларни ва хорижий мутахассис, менежерларни жалб этишга доир харажатларни молиялаштиришга;

электротехника соҳасида янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган тадбирларига;

мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларни республика

ва хорижда малакасини ошириш, илмий-таълим марказларини ташкил этиш, ресурсларни бошқариш тизими (ERP) орқали бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш (автоматлаштириш) тизимларини жорий этиш;

б) илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик йўналишида қилинган барча харажатлар юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан 2 баробар коэффицентда чиқарилади;

в) белгиланган тартибда тасдиқланadиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган технологик қирималар ва ускуналар, бутловчи қисмлар,

хом-ашёлар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари, ишлаб чиқариш намуналари божхона тўловлари тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод этилади.

**6.9. Қарор лойиҳасининг 16-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг республикада ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотларининг Тошкент шаҳрида савдо марказини ташкил этиш бўйича таклифлари маъқулланиши;**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда савдо марказини ташкил этиш учун бино-иншоот ажратилишини таъминланиши;

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси республикадаги барча йирик электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарига ажратилган бино-иншоотда савдо дўконлари ва шоу-румлар очилишини таъминлаши кўрсатилган.

**6.10. Қарор лойиҳасининг 18-бандида 2021 йил 1 январидан бошлаб мисдан ишлаб чиқилган қуйидаги маҳсулотлар (“Олмалик КМК” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилганда:**

ТИФ ТН коди 7409 19 000 0 бўлган шина товарлари қийматининг 1 фоизи миқдорида;

ТИФ ТН коди 8504 50 950 0 бўлган дроссел, 8535 90 000 0 бўлган қисқич ҳамда 8544 60 100 0 бўлган изоляцияланган шина **товарлари қийматининг 3 фоизи миқдорида Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармасига тўлов ундирилиши;**

Бунда, божхона юк декларацияси божхона органларига тақдим этилгунга қадар мазкур банднинг биринчи қисмида назарда тутилган **тўловлар тўлиқ ҳажмда тўланиши бўйича масъулият товарларни олиб чиқувчи шахс зиммасига юкланиши;**

Мазкур банднинг биринчи қисмида назарда тутилган тўловлар тўлиқ ҳажмда ундирилганлигини назорат қилиш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳар ойда “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига экспорт қилинган товарлар тўғрисида маълумотлар тақдим этиб борилиши кўрсатилган.

**6.11. Қарор лойиҳасининг 20-бандида “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига аъзо корхоналар ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан муурожаат қилишда давлат божи тўлашдан озод этилиши белгиланмоқда.**

**6.12. Қарор лойиҳасининг 21-бандида** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан узилмаган ҳолда ўз мол-мулкига қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатган ва ундан электр энергияси ишлаб чиқараётган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиғини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилишини назарда тутувчи “Солиқ кодекси”га ҳамда “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги, **импорт қилинаётган тайёр электротехника ва электромаиший техника маҳсулотларига утилизация йиғими жорий этилишини назарда тутувчи “Чиқиндилар тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича **таклифлар киритиши белгиланган.**

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламентининг 3-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қарор қабул қилинадиган муҳим масалалар ва йўналишлар рўйхати тасдиқланган.

7.2. Ўзбекистон Республикасининг **“Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга **қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериши тақиқланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги **ПФ-5185-сон Фармони** билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепцияси”да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, **соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш** кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг **“Тадбиркорлик фаолияти эркинликлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасига** асосан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг амалга ошираётган фаолиятига аралаштиришга ҳақли эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш, фойдани

тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш таъқиқланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодийдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-банди “б” кичик бандига** асосан 2020 йил 1 октябрдан бошлаб давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташқил этишга ташаббус кўрсатишга) **йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-3677-сонли қарорининг 1-бандига** асосан 2018 йил 1 июлдан бошлаб **юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга ошириш тартиби ўрнатилган.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташқил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги **ПФ-5780-сонли Фармонига** мувофиқ 2019 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари республиканинг барча ҳудудларида **фақат «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали тақдим этилади.**

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “**Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида**”ги **Қонунининг 3-моддасига** асосан махсус иқтисодий зона тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд эканлиги кўрсатилган.

Ушбуларни инобатга олиб, **қарор лойиҳасинининг:**

1. 1-бандида кўрсатилган ишлаб чиқариш хажмлари, инвестициялари лойиҳалари рўйхати, бириктириладиган масъуллар рўйхати, ишчи гуруҳ томонидан тасдиқланган рўйхатга ўзгартириш киритиш ваколатини киритилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қарор қабул қилинадиган муҳим масалалар ва йўналишларга мос келмаслигини инобатга олиб, қарор лойиҳасининг **1-бандини чиқариб ташлаш.**

2. **2-банди биринчи хатбошидаги “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига аъзо” сўзларини чиқариб ташлаш.**

Шу билан бирга, ушбу банднинг тўққизинчи хатбошидаги “Замонавий синов лабораторияси ва сертификатлаштириш маркази” ташқил этилиши масаласи, агар ушбу хизмат кўрсатиш бозорида бешта ва ундан ортиқ шу каби марказлар мавжуд бўлмаса, унда мазкур марказни давлат улуши иштирокида ташқил этиш зарур, чунки уни ташқил этилиши бюджетдан маблағларидан ажратилиши назарда тутилган.

Агар ушбу хизмат кўрсатиш бозорида бешта ва ундан ортиқ шу каби марказлар мавжуд бўлса, унда ушбу марказни танлов асосида энг яхши таклифларни танлаб олган ҳолда уни давлат-хусусий шериклик асосида ташқил этиш лозим ҳисобланади.

Шунга кўра, **2-банди тўққизинчи хатбошини чиқариб ташлаш.**

3. 3-бандида кўрсатилган вазифалар ва чора-тадбирлар бевосита “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси аъзолари, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан амалга оширилиши имконияти мавжудлигидан келиб чиқиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қарор қабул қилинадиган муҳим масалалар ва йўналишларга мос келмаслигини инобатга олиб, R&D маркази ташкил этиш масаласини уюшма томонидан мустақил равишда ҳал этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. **Шунга кўра 3-бандини чиқариб ташлаш.**

4. **6-бандини чиқариб ташлаш.**

5. **7-банди бўйича:**

- амалдаги қонунчиликка асосан “технопарк” алоҳида махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд эмаслиги сабабли, ушбу бандда кўрсатилган ер ажратиш масаласини белгиланган тартибда аукцион савдолари орқали амалга оширилиши кераклигини инобатга олиб, **7-бандини қайта кўриб чиқиш;**

- **7-банди тўртинчи-ўнинчи хатбошиларни чиқариб ташлаш.**

6. **8, 9, 16, 18 ҳамда 20-бандларини чиқариб ташлаш.**

7. **15-банддаги “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига аъзо корхоналар” сўзларини “Электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар” сўзларига алмаштириш.**

8. 21-банддаги **“импорт қилинаётган тайёр электротехника ва электромаиший техника маҳсулотларига утилизация йиғими жорий этилишини назарда тутувчи “Чиқиндилар тўғрисида”ги” сўзларини чиқариб ташлаш.** Чунки нотенг рақобат муҳити шаклланади ва импорт нархи кўтарилиши оқибатида истеъмолчилар манфаатлари бузилади.

9. **Қарор лойиҳасига 4-илованинг 2-банди “б” кичик бандини чиқариб ташлаш лозим.**

#### IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарор лойиҳасини қабул қилиниши оқибатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга кўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликлар берилиши “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинликлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли Фармони, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПҚ-3677-сонли қарори талабларига зид эканлигини инобатга олиб, **қарор лойиҳасини ушбу таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас ҳисобланади.**